


## Ички бозордаги истеъмол нархлари: статистик кузатув

(Давоми. Бошланғичи 3-сонда)

Солиштирма таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йилда инфляциянинг 11,1 фоиз даражада шаклланишига, худди 2019 йилдагидек, асосан озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ошиши таъсир қилган бўлиб, мазкур товар гуруҳи ҳиссасига умумий нарх ошишининг 58,2 фоизи (2019 йилда 53,4 фоиз) тўғри келди. Ўз навбатида, ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархлари ошиши улуши 27,3 фоизни (2019 йилда 24,9 фоиз) ҳамда хизматлар тарифлари ошиши улуши 14,5 фоизни (2019 йилда 21,7 фоиз) ташкил этди.

2020 йилда 11,1 фоизлик жами инфляция кўрсаткичининг 6,5 фоиз банди айнан озиқ-овқат маҳсулотлари, 3 фоиз банди ноозиқ-овқат маҳсулотлар ҳамда 1,6 фоиз банди хизматлар тарифлари ошиши ҳисобига шаклланди. Асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳлари бўйича нархлар ўзгаришини кўриб чиқадиган бўлсак, 2020 йилда нон маҳсулотлари 15,2 фоизга, гўшт, парранда гўшти ва балиқ 18,1 фоизга, сут маҳсулотлари 11,5 фоизга, мевалар, сабзавотлар ва картошка 11,9 фоизга, шакар, чай ва бошқа маҳсулотлар 11,8 фоизга, тухум 37,6 фоизга, ёғ ва мойлар 27,0 фоизга қимматлашиши кузатилди.

Хусусан, нархларнинг юқори ўсиши гречка (52,7 фоиз), картошка (42 фоиз), тухум (37,6 фоиз), ловия (36,2 фоиз), пахта ёғи (32,3 фоиз), кунгабоқар ёғи



**2020 йил давомида республика бўйича айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўзгариши динамикаси, фоизда**

(31,4 фоиз), қўй гўшти (25,6 фоиз), суякли мол гўшти (21,1 фоиз), шакар (21,0 фоиз) ва биринчи навли бугдой уни (15,6 фоиз) бўйича қайд қилинди.

Бунда, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари қаторига кирувчи кунгабоқар ёғи бўйича нархларнинг юқори ойлик ўсиши октябрь (11,2 фоиз), ноябрь (3,4 фоиз) ва декабрь (2,6 фоиз) ойларида, шакар бўйича октябрь (9,8 фоиз), ноябрь (2,4 фоиз) ва декабрь (2,1 фоиз) ойларида, биринчи навли бугдой уни бўйича апрель (5,6 фоиз) ва май (3,0 фоиз) ойларида ҳамда тухум бўйича апрель (8,1 фоиз), май (5,5 фоиз), сентябрь (6,5 фоиз) ва октябрь (17,7 фоиз) ойларида қайд қилинди. Мол гўшти (суякли) нархларининг ошиши йилнинг барча ойларида кузатилган бўлиб, нархларнинг юқори ойлик ўсиши август (2,9 фоиз) ва сентябрь (5,4 фоиз) ойларида тўғри келди. Бунда, гўшт нархини пасайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, октябрь-декабрь ойларида гўшт нархлари нисбатан барқарорлашди. Айрим асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг бундай юқори ошишига ва умуман озиқ-овқат инфляциясининг нисбатан юқори даражада сақланиб қолишига қатор омиллар таъсир ўтказди. Хусусан, коронавирус тарқалишига қарши қатъий карантин чекловлари даврида (март-август ойларида) кийим-кечак ва қурилиш материаллари бозорларининг вақтинчалик ёпилиши шароитида аҳолининг ноозиқ-овқат товарларига харажатларининг озиқ-овқат маҳсулотлари харидига йўналтирилиши нархлар ошишига таъсир қилди. Жаҳон бозорида, шу жумладан, қатор асосий экспорт қилувчи мамакатларда айрим муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг сезиларли ўсганиги, республика ички бозоридан нархлар ошишига олиб келди. Жумладан, 2020 йил давомида жаҳон бозорида бугдой нархи 5,0 фоизга, Россия Федерациясида кунгабоқар ва лавлаги ҳосилининг сезиларли даражада қисқариши таъсирида кунгабоқар ёғи 23,0 фоизга, шакар нархлари эса 70,0 фоизга қимматлашди. Таъкидлаш жоизки, 2020 йилда сабзавотлар ўртача нархларида жиддий ўзгаришлар (йиллик ўсиши

0,06 фоиз) кузатилмади. Бу ҳолат, ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича нархлар умумий даражаси ўсишини пасайтирувчи омил бўлиб хизмат қилди. Мазкур ижобий ҳолатни мамлакатимизда сабзавотлар етиштириш ҳажмининг ўсиши (2020 йилнинг 9 ойида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 фоизга) ҳамда қатъий карантин чекловлари даврида умумий озиқ-овқат соҳаси корхоналари фаолиятининг қисқариши ҳисобига сабзавотларга талабнинг камайганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳи бўйича нархлар умумий даражаси ўсишини жилолашда, хусусан 2019 йилга нисбатан пасайишини (18,6 фоиздан 15,3 физгача) таъминлашда ўтган 2020 йил давомида мамлакатимизда мураккаб пандемия шароитида иқтисодий барқарорлаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, 2020 йил давомида ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, бозорларда асосий турдаги маҳсулотлар нархларининг асосий равишда ошиб кетишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида ички бозорда асосий турдаги озиқ-овқатларнинг нархларининг янада ошиб кетишининг олди олинди.

Энди ноозиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳига тўхталигимизда бўлсак, асосий турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотларидан нархларнинг юқори ўсиши дори-дармонлар (13,3 фоиз), тамаки маҳсулотлари (11,6 фоиз), қурилиш материаллари (11,2 фоиз), шахсий гигиена товарлари (9,2 фоиз), кийим-кечак (8,6 фоиз) ва ёқилғи маҳсулотлари (7,5 фоиз) гуруҳлари бўйича кузатилди.

Жумладан, бевосита маҳсулотлар кесимида қаралганда, коронавирус тарқалиши шароитида талабнинг сезиларли ошиши таъсирида дори-дармонлардан антисептик воситалари нархларининг 20,4 фоизга, шамоллашга қарши дори воситалари нархларининг 17,1 фоизга қимматлашиши қайд этилди.

Қурилиш материалларидан нархларнинг энг юқори ўсиши цемент (19,1 фоиз) бўйича, ёқилғи маҳсулотларидан эса суюлтирилган газ (пропан) (35,6 фоиз) бўйича кузатилди. Шу билан бирга, муҳим ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари йил давомида ўзгарувчан хусусиятга эга бўлди. Хусусан, автомобиль бензини нархлари апрель-июнь ойлари давомида пасайган бўлса, июль



(5,8 фоиз), август (2,1 фоиз), ноябрь (2,0 фоиз) ва декабрь (6,2 фоиз) ойларида сезиларли даражада қимматлашди. Нархлар ўзгариб туриши натижасида бензин нархининг йил давомидаги умумий ўсиши нисбатан паст шакланиб, 4,7 фоизни ташкил қилди.

Яна бир муҳим маҳсулот – цемент нархи ҳам йил давомида ўзгариб турди. Жумладан, йилнинг январь-август ойларида мазкур маҳсулот нархи доимий равишда ошиб борган бўлса, сентябрь-декабрь ойларида аксинча цементнинг арзонлашиши кузатилди.

2020 йилда айрим асосий турдаги пуллик хизматлар гуруҳлари бўйича ҳам тарифларнинг юқори ўсиши қайд этилган бўлиб, жумладан, маиший хизматлар 13,6 фоизга, тиббий хизматлар 12,2 фоизга, йўловчи ташиниш транспорти хизматлари 11,5 фоизга қимматлашган.

Таъкидлаш жоизки, истеъмол нархлари индексида кирувчи асосий гуруҳлардан нархлар ўсишининг энг сезиларли секинлашиши пуллик хизматлар гуруҳи бўйича (2019 йилдаги 15,2 фоиздан 2020 йилда 7,1 фоизгача ёки 8,1 фоиз бандга) қайд этилган бўлиб, мазкур ҳолат асосан уй-жой коммунал хизматлари тарифларининг (кам сонли ҳудудларда ичимлик сув тарифларининг оширилганлигини ҳисобга олганда) йил давомида оширилмаганлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, коронавирус тарқалиши даврида тиб-

бий хизматларга талабнинг ошиши таъсирида тиббий лаборатория хизматлари 14,8 фоизга, тиббий амбулатор ва реабилитация хизматлари 10,9 фоизга, тиббий диагностика хизматлари 8,1 фоизга ҳамда стационар




**Республика бўйича ноозиқ-овқат маҳсулотларнинг йиллик ИНИ динамикаси, фоизда**

даволаш ва реабилитация хизматлари 7,3 фоизга қимматлашган.

Хулоса қилиб айтганда, коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб шарт-шароитларга қарамасдан,

2020 йил якуни бўйича мамлакатимизда инфляция даражасининг сезиларли даражада пасайиши кузатилди. Ўз навбатида, Давлат статистика қўмитаси томонидан



**Республика бўйича 2020 йилда айрим турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотларнинг ўзгариши динамикаси, фоизда**

2020 йил якуни бўйича мамлакатимизда инфляция даражасининг сезиларли даражада пасайиши кузатилди. Ўз навбатида, Давлат статистика қўмитаси томонидан



**Республика бўйича 2020 йилда айрим турдаги хизматлар нархларининг ўзгариши, фоизда**

келгусида ҳам ички бозордаги истеъмол нархлари кузатувларини сифатли ташкил этиш ҳамда тегишли статистик маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш бўйича ишлар давом эттирилади.



**Республика бўйича аҳоли учун пуллик хизматлар алоҳида гуруҳларининг йиллик ИНИ, фоизда**

**Дишод ХОЛМУРОДОВ,**  
Давлат статистика қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.  
**Мухтор УМАРОВ,**  
қўмита бошқарма бошлиғи.